

## МУҲАММАД РАҲИМХОН II – ФЕРУЗ ВА САРОЙ ШОИРЛАРИ.

*“Ичан-Қалъа” давлат музей-қўриқхонаси*

*“Ҳукмдор ва шоир” бўлими*

*бўлим мудури:*

**Тошпўлатова Дилфуза.**

+998975287205

**Аннотация:** Ушбу мақолада Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II нинг ҳаёти фаолияти ва ижоди, Хива хонлигининг XIX асрдаги ижтимоий-сиёсий тарихи ва адабий ҳаёти ёритилади.

**Калит сўзлар:** Хива хонлиги, Бобожон тўра, Муҳаммад Раҳимхон II, тош босма, Хоразм танбур чизиғи” (нота), Иброҳим Султон, фото-кино санъати, сарой шоирлари, Аҳмаджон Табибий, Мажмуат уш-шуаро.

XIX аср Хоразм адабий ва маданий муҳити осмонида Саййид Муҳаммад Раҳимхон Баҳодирхони соний – Феруз қамар янглиғ порлаб турдиким, бунинг самари ўлароқ унинг атрофида истеъдодли шоирлар, бастакору санъаткорлар юлдузлар каби порлаб, ғазаллар айтдилар, девонлар тартиб бердилар, куй ва кўшиқлар ижод этдилар. Зеро, ижод аҳли меҳру муҳаббатга муҳтож бир тоифа. Улар меҳр кўрган, кадр топган жойда ижод булоғи тўхтовсиз қайнайверади, маънавият юксалаверади, миллий ифтихор чечак очаверади<sup>1</sup>.

Хоразм хонлари тарихида энг узоқ давр – 47 йил ҳукмронлик қилган адолатпешалиги, маърифатпарварлиги билан тарихда ўчмас из қолдирган Муҳаммад Раҳимхон Баҳодирхони соний – Феруз эди.

Бобожон тўра (Муҳаммад Раҳимхон II нинг ёшлигидаги исми) Хива хони Саййид Муҳаммад оиласида 1845 йилда таваллуд топади. У бошланғич маълумотни хусусий муаллимдан олади. Бироз муддат мадрасада таҳсил кўради,

---

<sup>1</sup>Бобожон Тарроҳ “Хоразм навозандалари” 1994 йил, 3-бет.

кейин эса унга шахсан Огаҳийни ўзи устозлик қилади. Унга шеърят сирларидан, тарихдан ва асосан таржима илмидан сабоқ беради. 1964 йилнинг 22 сентябрида Бобожон тўра 19 ёшида отаси Саййид Муҳаммадхоннинг вафотидан кейин отаси ўрнига Хива хони тахтига ўтиради ва Муҳаммад Раҳимхон II номи ила фармонлар чиқара бошлайди. Муҳаммад Раҳимхон II адабиётга ёшлигидан ҳавас қўяди. Алишер Навоий, Мунис, Огаҳий, Низомий, Ганжавий сингари шоирларнинг асарларини кунт билан ўрганиб ўзи ҳам уларга эргашиб шеърлар бита бошлайди. У шеърларида ўзига “Феруз” (ғолиб, бахтли, саодатли) тахаллусини танлайди. Феруз билан бир даврда яшаб ижод қилган олимлар ва ижод аҳли фуқаропарвар, адолатли ва раҳмдил ҳукмдорлардан бири сифатида талқин қилдилар. Феруз ўз даврида ижод аҳли билан бирга оддий халқни ҳам қайғуриб, уларга енгиллик яратиш илнжида яшади ва шунга эришди ҳам.

1873 йилнинг 12 августидаги Фон Кауфман ва Муҳаммад Раҳимхон II-Феруз ўртасидаги Гандумкон шартномасидан кейин Хива хонлиги қонунан чор Россияга қарам эди. Феруз шундай шароитда ҳам хонликнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётини яхшилашга уринди. 1898 йилнинг 12 апрелидаги Ферузнинг фармонида биноан хонлик ҳудудларидан қадимдан қолган музейбоп буюмлар тўплаб чиқилади. Ўша буюмлар 1890 йилда Тошкентда, 1895 йилда Нижний Новгород Бутунроссия кўрғазмасида, 1890 йилда Парижда, 1904 йилда эса Америка Миссурий штатининг Олои шаҳрида ўтган халқаро кўрғазмаларида намоёниш этилади<sup>2</sup>.

Феруз тахаллуси билан шеърлар ёзган бу маърифатпарвар ҳукмдор, ўз атрофига қирққа яқин шоир ва бастакорларни тўплаб, Ўрта Осиёда биринчи (1874 йилда) матбаа - **тошбосма**да китоб нашр қилишни йўлга қўйди. Феруз қадимдан анъана бўлиб, устадан шогирдга ўргатилиб келинаётган халқ мусиқа санъатини осон қилиш ва келгуси авлодларга ўз ҳолича етказиш учун бу куйларни қоғозга туширишни машҳур санъаткор, мусиқашунос Паҳлавонниёз мирзабошига

---

<sup>2</sup>Комилжон Ҳудойбергенов “Хоразм хонлари” Тошкент 2019 йил. 169-бет

буюради. Шундан кейин Паҳлавонниёз мирзабоши “Хоразм танбур чизиғи” (**нота**)ни ихтиро қилади. Хон диндор руҳонийларнинг қаттиқ қаршилигига қарамай, Ўрта Осиёда биринчи бўлиб **фото-кино** санъатининг Худойберган Девонов томонидан ривожлантиришига амалий ёрдам кўрсатди. Инқилобдан олдин Хива хонининг шахсий фотографи бўлган Худойберган 1908 йилда Петербургдан “Патэ” аппаратини сотиб олади. Ана шундай қилиб, Хивада илк миллий кинематограф пайдо бўлади. Меъморий обидаларининг кўпчилиги ҳам Муҳаммад Раҳимхон II замонасида қурилган.

Муҳаммад Раҳимхон Феруз 1910 йилнинг 16 августида 66 ёшида оламдан кўз юмади. Хива хонлигини 47 йилу 8 ой 20 кун бошқарган. Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг қаламига мансуб “Ғазалиёти Феруз”, “Баёзи Феруз” девони, Ферузнинг бошқа асарлари бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида, Санкт – Петербург, Британия, Франция ҳамда Туркиядаги кутубхоналарда сақланади.

Аввало, шоҳлик ва шоирликнинг бир шахсдаги мужассамаси нодир ходиса бўлиб, бундай сиймолар бизнинг миллий бойлигимиз, эъзозга лойиқ кадриятларимиздир. Салтанатни салкам ярим аср бошқариш ва айни пайтла етук шоир ёхуд олим сифатида фаолият кўрсатиш жаҳон тарихида камдан-кам шахсга насиб этган. Тарихнинг шаҳодатберишича, буюк давлат арбобларининг кўпчилиги бутун куч-қудратини салтанат юмушларига йўналтирганлар. Улар кўп тармоқли фаолият юритмаганлар. Олимларнинг эътироф этишича, илму ижодга жуда берилган, улуғ мутафаккир даражасида фаолият кўрсатган аллома подшоҳлар эса салтанатни мустақкам сақлай олмаганлар. Илму ижод билан банд бўлганлари сари, салтанатдаги сиёсий жараёнлардан узоклашганлар, ҳукумат тадбирларида хатоларга йўл қўйганлар. Оқибатда, ҳукмдор сифатида таназзулга юз тутганлар. Бу - ижодкор шоҳларнинг қисмати эди. Бирок Ферузнинг шоҳлик ва ижодкорлик тақдирини азал котиблари ўзгачароқ ёзганлар.

Шоирдан камтарин адабий мерос ёдгор қолган. Турли манбалардан аниқланиб, яхлит мажмуа ҳолига келтирилган меросда 98 ғазал (1498 мисра), 7 мухаммас (220 мисра), 7 рубой (28 мисра), 2 мусаддас (84 мисра), 4 маснавий

(706 мисра) мавжуд. Бу асарларнинг умумий ҳажми 2028 мисрани ташкил этади<sup>3</sup>. Муҳаммад Раҳимхони соний халқимиз ва замонамиз учун, авваламбор, ҳассос ва етук шоир сифатида қадрлидир.

Бадий ижодда Феруз замонаси шоирларининг пешволаридан эди. Қаламкашликда у нозик таъби, ўткир диди, равон услуби билан адабий муҳитдаги кўпгина шоирлардан устун турарди. Айниқса, ишқ-муҳаббат тасвирида Феруз комил ижодкор даражасига етганини ишонч билан эътироф этиш мумкин. Ферузнинг қуйидаги фахрияси ҳеч муболағасиз айтилгандир:

**Сенга Феруз ўлуб бахт, этдинг ул ой қадди, зулфин васф,**

**Бу янглиғ таъби нозик бирла ашъорингга салламно.**

Феруз, худди отаси Саййид Муҳаммадхон сингари, ҳар ҳафтанинг икки куни саройда шоирлар мушоираси, китобхонлик кечалари ўтказиб боришни ўзига одат қилди. У ёшлигиданоқ Огаҳий, Баёний, Комил, Мирзо, Табибий каби шоирларга эргашиб ғазаллар машқ эта бошлаганди. Б.Тарроҳнинг ёзишича, "Феруз" тахаллусини хоннинг ўзи танлаган, бунда Комилнинг хизмати ҳам бўлган, "Феруз" "бахтли", "ғолиб" деган маъноларни англатади. Феруз адабиёт, тил, мантик, илмда шундай камолотга эришдики, сарой адабий муҳитидаги шоирларнинг шеърларини таҳлил этиш ва баҳолаш бобида унинг олдида тушадиган уламо ва фузало кам эди. Бу тўғрида хаттот ва тарихчи Ходим шундай воқеани эслайди: "Биз, яъни Болта девон - Нодим, Юсуф Харрот – Чокар ва ман Бобожон тарроҳ – Ходимларга Арабхон мадрасасининг охунди Юсуф Ҳожи Доъий адабиёт илми бўйича Саъдийнинг "Гулистон" ва "Бўстон" асарлари, Фирдавсийнинг "Шоҳнома" асари бўйича сабоқ берганида, Феруз мазкур асарлар юзасидан савол бериб, бизни имтиҳон қиларди. Ана шундай пайтларда бирортамиз ғазал ўқишда хатога йўл қўйсақ, ёки бирорта сўзни нотўғри талаффуз этсак, Феруз бизни тўхтатиб, хатоларимизни тўғирлар, у ёки бу сўзнинг

---

<sup>3</sup>Давлатёр Раҳим, Шихназар Матрасул "Феруз" Тошкент 2011 йил. 188-бет

маъносини айтиб бериб, бизни ҳеч хафа қилмасдан камчилигимизни йўқотишга ёрдам берарди". Шеърят оқшомларида Ферузнинг ўзи бошловчилик қилган ва янги ёзган ғазалларини ўқиб, мушоирани бошлаб берган. Сўнгра бошқа шоирларга ана шу янги ёзилган ғазалга пайров тариқасида ғазаллар битиш топширилган. Қарабсизки, бир оқшом ичида янги ёзилган бир-икки ғазалга жавоб тариқасида эллик-олтмиш ғазал вужудга келган, Бу ғазалларнинг кўпчилиги Огаҳий, Комил, Баёний, Мирзо, Табибий, Чоқар, Рожий, Комёб каби забардаст шоирлар қаламига мансуб бўлиб, бадийий етук, гўзал асарлардир. Сарой адабиёти муҳитида ўнлаган кўлёма баёзлар, мажмуа ва тазкиралар юзага келган. Бугунги кунда улар олимларимиз учун муҳим тадқиқот мавзуи саналади.

Феруз теварак-атрофдаги истеъдодли шоирларни Хевага тўплаган ва уларга раҳнамолик, ҳомийлик қилган. Натижада, ўзига хос шоир, адиб ва санъаткорлар уюшмаси маданий-адабий муҳит барпо бўлган. Гарчи Муҳаммад Раҳимхон ўз шахсий қизиқишлари, манфаатларидан келиб чиқиб, бундай муҳитни яратган бўлса ҳам, унда қалам тебратган ижодкорлар маданиятимиз тарихида муҳим из қолдирганлар.

Масалан, Аҳмад Табибийдек йирик, сермахсул адибнинг етишиб чиқиши ва "Мажмуат уш-шуаро"дек нодир адабий бойликнинг яратилиши шу муҳит ютуғи эдики, бу ҳақда Баёний шохидлик беради: "Али маҳрамнинг Аҳмад отлиғ бир ўғли бор эди. У ҳам ўзини Табибий тахаллуси била мутахаллус этиб, шеър айтмоқ бошлади. Хон ҳазратлари ўз ғазалларидин юз ғазални шоирларга бериб буюрдилар: "Мунга пайравлик этиб ғазал айтинглар". Шоирларнинг ҳар бири онга пайравлик этиб, юз ғазал айтдилар. Хон ҳазратлари Табибийга амр этдилар, ул токим, ғазалларни маснавий зимнида жамъ қилиб бир китоб этгай. Табибий фармони мужиби била амал қилиб, ул ғазалларни жам қилиб, ҳар ғазални ёзмоқчи бўлғонда, маснавий била ул ғазални ким эканин баён этиб, бу тариқада

тамомиғазалларни жамъ қилиб, тамом этиб, ул китобға "Мажмуат уш-шуаро" от кўйилди"<sup>4</sup>.

Баёний "Мажмуат уш-шуаро"нинг яратилиш тарихини насрий йўлда ифодалабгина кўя қолмай, бу ҳодисага 26 мисрадан иборат назмий таърих ҳам бағишлайди. Унда Табибий мазкур мажмуани икки йил мобайнида яратганини айтиб, бу адабий ҳодисани "шеърдин қолди оламда от", дея баҳолади. Катта ижодий муҳитнинг меҳнати натижаси бўлмиш бундай умумлаштирилган иш жаҳон адабиёти миқёсида ноёб ҳодисадир. Аммо, таассуфки, адабиётшунослигимизда у хануз эътибордан четда қолиб келмоқда. Агар "Мажмуат уш-шуаро" адабий муҳит маҳсулини акс эттирувчи манба сифатида тадқиқ қилинса, XIX аср Хоразм адабий муҳитининг чинакам қиёфаси ва савияси янада ойдинлашган бўларди.

Баёний Аҳмад Табибийга бўлган ихлосини катта ҳурмат билан эътироф этади. Унинг инсон ва ижодкор сифатидаги маънавий қиёфасини қисқа сатрларда ҳаётини қилиб чизиб берган:

**Табибийкидур шоири мухтарам, Нетай онинг атворин айлаб рақам.**

**Маорифда ўзини тутар кўп ориф, Мажолисда доғи ҳарифу тариф.**

Асардан Табибий ижодкор сифатида қандай ишларни амалга оширгани, ҳаёт тарзи қанақа кечгани ҳақида ҳам қимматли маълумотлар олиш мумкин.

"Шажарайи Хоразмшоҳий"да адабий муҳит бор бўйи билан акс этган. Бу адабий жараён марказида унинг тасвирловчиси - Баёний туради. Баёний тасвирида адабий муҳитнинг яхлит манзараси, муаллифнинг воқеа-ҳодисаларга муносабати, ижодкорлиги ва эстетик қарашлари намоён бўлган.

Маълумотларга қараганда, Феруз турк, форс тожик, татар, озарбайжон тилларини пухта билган, У юртдошлари бошқа халқлар ижодидан баҳраманд

---

<sup>4</sup>Баёний. Шажарайи Хоразмшоҳий, 93-94-бетлар

булишини истаган, Шунинг учун ҳам унинг курсатмасига биноан, Хоразмда форс-тожик, турк, озарбайжон, туркман ва бошка халқлар шоирлари шеърларидан махсус баёзлар яратилган, Худди шу даврда "Баёзи мусаддасот", "Баёзи мажмуаи ашъор", "Баёзи мухаммасот", "Баёзи рубоийёт", "Баёзи ашъор" каби баёзчиликнинг махсус турлари яратилган. Шу китобларнинг яратилишида Мулла Болтаниёз харрот, Мулла Каримберган девон, устод Муҳаммад Панох, Худойберган Мухркон, ота бола Матёкуб ва Муҳаммад Юсуф девонлар, Комилжон Исмоил Уғли, Ходим, Табибий, Нодим каби хаттотлар баракали ижод этдилар.

Хон ҳазратлари ҳафтада икки кун - жума ва душанба окшомларида уламо билан суҳбат тузиб, китобхонлик этдурар эдилар, - дея хотирлайди Баёний. Бир кун, яна шундай китобхонлик давом этаётганида, Феруз ўз ғазалларидан юз ғазални шоирларга бериб буюрди: Мана шу ғазалларга пайров этинглар ва уларни Табибий бир жойга жамлаб, бир китоб қилсин". Табибий ушбу фармонга мувофиқ, тазмин ғазалларни тўплаб, ҳар бир ғазал муаллифи ҳақида маснавий ҳам битиб, муҳим маълумот берди. Мажмуада Ферузнинг юзта шеъри берилиши билан бирга, унинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида маълумот ҳам бор. Ушбу мажмуада 33 шоирнинг Ферузга пайров килиб ёзган шеърлари келтирилади. Қарабсизки, шоир ва ҳукмдор Феруз янги йирик шеърий тўпланинг юзага келишига сабабчи бўлган. Ушбу мажмуадан Султоний, Содик, Саъдий, Ғозий, Асад, Оқил каби хоннинг оға-инилари, неваралари билан бир қаторда, Мирзо, Табибий, Роғиб, Девоний, Мутриб, Аваз, Чокар, Ходим, Гуломий, Хаёлий каби шоирларнинг ҳам шеърлари ўрин олган. Феруз Мунис билан бир даврда яшаб ижод қилмаган бўлса ҳам ўзига устоз сифатида билган.

Шундай қилиб, Муҳаммад Раҳимхон соний Феруз замонасида адабиёт, санъат, маданият ривожланди. Бу, аввало, Ферузнинг бошқаларга ибрат бўлиб, атоқли шоирлар, олимлар ва созандаю, хонандаларни ўз атрофига тўплаб, улар билан илмий – адабий фаолиятини давом эттирганлиги туфайли амалга ошди. У бу даврда шоир ва мусиқашунос сифатида баракали ижод этди.



Кўхна арк дарвозаси қаршисида 1871-1876 йилларда Сайид Муҳаммад Раҳимхон II нинг фармониға биноан мадраса қурилган. Мадраса ўзининг кенглиги, сервикорлиги билан бошқа мадрасалардан ажралиб туради. Мустақиллигимизнинг илк йилларида, яъни 1994 йилда мадраса қайта таъмирланиб, шу йилнинг сентябр ойида бўлиб ўтган Муҳаммад Раҳимхон II “Феруз”нинг 150 йиллик тўйига тўёна қилиб мадрасанинг ҳовлисиға чиқувчи даҳлизлари, ўқув хонаси ва қишги масжидида Хива хонлиги тарихи ва маданиятини очиб берувчи “Хоразм адабиёти ва тарихи мўзеи” очилган.

2011 йилда “Хива хонлиги”, 2022 йилда “Хоразм давлати хонлиги”, ҳозирги кунда эса музей қайтадан реэкспозиция қилиниб, Муҳаммад Раҳимхон II Феруз ҳаёти ва ижодиға бағишланган “Хукмдор ва шоир”номли музейи экспозицияси очилди.

Экспозициясининг асосий ғояси - Хоразм хонларининг забардаст вакили Муҳаммад Раҳимхон II Феруз ҳаёти ва ижоди, давлат бошқаруви, шу даврдаги адабий муҳит, халқнинг ҳаёти ва турмуши, бугунги кунда уларнинг тарихи Ўзбекистонда қай даражада ўрганилганлиги ва унга бўлган муносабатни ёзма манбалар ва ашёвий далиллар воситасида кўрсатиб беришдан иборат.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Феруз халққа шунча яқин бўлганки, ҳатто, унинг сиймоси халқ латифалари, ривоятларида кенг ўрин тутди. Халқ бу асарларда Ферузни одил ва доно подшо, адабиёт ва санъат ҳомийси, қийинчиликларни ҳар доим енга олувчи сиймо сифатида тасвирлайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Барча томлари. Тошкент.
2. Лаффасий. Тазкираи шуаро.
3. Абдулла болтаев. Хива тарихий эсдаликлари. Қўлёзма
4. Бобожон Тарроҳ Азизов – Ходим. Хоразм навозандалари. “Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент. 1994 й.
5. Баёний. Шажарайи Хоразмшоҳий. “Камалак”, Тошкент. 1991.
6. Абдуллаев К. Нақшларға битилган умр. Т., 1995.





7. Давлатёр Раҳим, Шихназар Матрасул “Феруз”2011 йил.
  8. Абдурасулов А. Хива. Т.: “Ўзбекистон”, 1997.
  9. Комилжон Худойберганов. “Хива хонлари шажараси”. Хива 1996 й.
  10. “Ўзбекистон – буюк алломалар юрти” Тошкент 2010 й.
- Д.Бобожонов, М.Абдурасулов “Абадият фарзандлари” Хива. 2009й